



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси

А.Юсупов

2022 йил

Техник топшириқ

| № | Маълумотлар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар |
|---|----------------------------|---|
| 1 | Бажариладиган иш | izzax viloyati Zomin tumani Istiqlol QFY Jarqishloq qishlog'ida ichki yo'llar shag'al holatda qishloqdagi 55- sonli umumiy o'rta ta'lim maktabining kirishdagi hovli qismi shag'al asfalt yotqizish zarur, asosiy yo'ldan maktabgacha va maktabning oldi qismi va qishloqning asosiy ko'chalari shag'al bo'lganligi sababli o'quvchilar yozda chang qishda loy kechib maktabga kelmoqda. 590 metr yo'lni asfalt qilish kerak ID: 0470400102 - openbudget.uz |
| 2 | Буюртмачи | Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси |
| 3 | Бажарувчи | Танловдан сўнг аниқланади |
| 4 | Объект жойлашган манзил | Зомин тумани Истиклол КФЙ Жаркишлоқ кишлоғи 55- мактаб мактабга борадиган йўл |
| 5 | Иш бошланиши ва тугаланиши | Ишлар танлов ғолиби аниқланиб шартнома имзоланиб олдиндан 30% тўлов тўлаб берилган сўнг 60 кун ичида бажарлиши лозим. |
| 6 | Маблағ манзили | Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси, Марказий банк МФО-00014, ҳисоб рақами-23402000300100001010, ШХВ- 401722860082187045205110002 |
| 7 | Алоҳида талаблар | Амалга ошириладиган ишлар Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли Фармонига тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" нинг 21-мақсадига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 12 апрелдаги №01/03-05-32/199 сонли хатига асосан қабул қилинади. |
| 8 | Тўловлар шarti | Тўловлар олдиндан 30% пул кўчириш йўли билан ва қолган 70% тўлов бажарилган ишлар далолатномасига асосан тўлаб берилади. |



100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi, 29-uy
Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52, Faks: (998 71) 244-56-43

29, Istiqlol street, Tashkent, 100017
Tel.: (988 71) 239-15-69, 239-12-52, Fax: (998 71) 244-56-43



01/03-05-32/199
12.04.2022 й.

Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси, вилоятлар,
Тошкент шаҳар, туманлар
ва шаҳарлар ҳокимлари

Давлат молиявий назорати
инспекцияси ҳудудий
бошқармалари

Туман ва шаҳар
молия бўлими ҳамда
ғазначилик бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонида асосан тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"нинг 21-мақсадига мувофиқ - ҳар бир туман ва шаҳар бюджетлари маблағларининг белгиланган миқдорларини "Фуқаролар бюджети"га йўналтириш орқали аҳолининг таклифлари асосида жойлардаги долзарб муаммоларни ечишга сарфланишига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, ҳар бир туман (шаҳар) бюджетининг 5 фоиз маблағлари ҳамда қўшимча маблағларининг камида 30 фоизи "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"га йўналтирилиши ҳамда "Очиқ бюджет" ахборот порталида жамоатчилик томонидан келиб тушган ҳамда фуқаролар томонидан долзарб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Ташаббусли бюджет жараёнининг 2022 йил феврал-март ойларида ўтказилган мавсуми доирасида туман (шаҳар) бюджетлари ҳисобидан жами 1,1 трлн сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиб, фуқаролар томонидан 69 700 та лойиҳалар илгари сурилган ҳамда 6,7 миллиондан ортиқ (республика жами аҳолисининг 19 фоизи) овозлар берилган.

Ажратилган маблағлар доирасида овоз бериш жараён якунларига кўра, республика бўйлаб жами **2 215 та** лойиҳалар "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали автоматик равишда "ғолиб" деб топилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари сурилган лойиҳаларда акс эттирилган долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги ПҚ-197-сон** "Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йилнинг феврал-март ойлари давомида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнларида ҳар бири **2 мингдан** ортиқ жами 480 минг овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган **139 та** лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда **85,4 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланди. Натижада, "ғолиб" деб топилган лойиҳалар сони **2 354 тани** ташкил этиб, ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар миқдори **1,2 трлн сўмга** етди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ташаббусли бюджет жараёнлари бўйича **ғолиб деб топилган** лойиҳаларда белгиланган ишларни **тўлиқ ва сифатли** амалга оширилиши, **ўз вақтида молиялаштирилишини** назорат қилиш учун **шахсан масъул этиб белгиланди;**

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни бажарилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳисоботларини Олий Мажлис Сенатида **ҳар чорак якунида эшитиб бориш** амалиёти жорий этилди.

Шу билан бирга, **ҳисобот йили якуни бўйича** Молия вазирлиги ҳузуридаги **Давлат молиявий назорати инспекцияси** жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни бажарилишини **якуний назоратдан ўтказиши** белгилаб қўйилди.

Шу муносабат билан, юқорида келтирилган **фармон ва қарорлар ижросини сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлаш** мақсадида:

а) туман (шаҳар) молия бўлимлари:

ғолиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан буюртмачи ташкилотларни аниқлаш бўйича **манзилли рўйхат** шакллантирилишини ҳамда Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритилишини;

голиб деб топилган ҳар бир лойиҳа учун буюртмачи ташкилотларга "401722..." маблағлар манбаси билан алоҳида ҳисобварақлар очган ҳолда тегишли маблағларни ўтказиб бериш бунда, порталда "голиб" деб топилмаган бошқа лойиҳаларни молиялаштирилишига йўл қўймаслик;

лойиҳани амалга ошириш бўйича буюртмачи ташкилотлар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб-чиқиш бўйича ишларни ташкиллаштиришни назоратга олиш;

лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқилишида, лойиҳа амалга ошириш дастлабки қийматидан келиб чиқиб амалга ошириладиган ишлар ҳажмини суний равишда кўпайтириш ёки камайтириш ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олиш чораларини кўриш;

ишлаб чиқилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида ишларни амалга ошириш бўйича пудратчи корхоналарни аниқлашда Давлат харидлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ белгиланган тартибда танловларни ўтказиш ҳамда ушбу жараёнларни барча босқичларини жамоатчилик ҳамда лойиҳа ташаббускорлари иштирокида ўтказилишини таъминлаш;

шартномаларни қисқа муддатларда расмийлаштирган ҳолда пудратчи корхоналарга бўнак тўловларини тўлаб берилишини назоратга олиш, ҳамда пудратчи томонидан шартномада кўрсатилган ишлар бажарилган (товар ёки хизматлар етказиб берилган) ҳолдагина тўловларни қолган қисмини амалга оширилишини алоҳида назоратга олиш;

лойиҳада кўзда тутилган тадбирларни сифатли тарзда амалга оширилиши (товар ёки хизматларни харид қилиниши) ни назоратга қилиш ҳамда бажарилган ишларни лойиҳа ташаббускорлари иштирокида қабул қилиб олиншини таъминлаш;

буюртмачи ёки пудратчи корхоналар томонидан қонунчиликда белгиланган хатти-ҳаракатлар кузатилиши ёки қонунбузилиш ҳолатлари кузатилганда тезкорлик билан чоралар кўриш, жумладан Давлат молиявий назорат инспекциясининг ҳудудий бошқармаларига, мурожаат қилинишини таъминлаш вазифалари юклатилади.

б) туман (шаҳар) ғазначилик бўлинмалари "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағлари бўйича:

шартномаларни рўйхатдан ўтказишда Давлат харидлари тўғрисидаги қонунга талабларига қатъий риоя этилганлиги юзасидан дастлабки ва жорий назоратни амалга ошириш;

тақдим этилган шартномаларни "Очиқ бюджет" ахборот порталида голиб деб топилган лойиҳалар мазмунига кўра мутаносиблигини ўрганиш ҳамда лойиҳада назарда тутилмаган тадбирлар учун харажатларни амалга оширмаслик (масалан, ишлар амалга оширилгандан сўнг шаклланган қолдиқ маблағларга канцтоварлар харид қилиш ва ҳоказолар);

ғазначилик орқали “Очиқ бюджет” ахборот порталида голиб деб топилмаган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳар қандай молиявий операцияларни чеклаш;

бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширишда тақдим этилган ҳужжатларни ҳаққонийлиги юзасидан жорий назорат ўтказиш ҳамда бажарилмаган (етказиб берилмаган товар ёки хизматлар) учун тўловларни амалга ошириш бўйича қайд этилган ҳолатлар юзасидан *Давлат молиявий назорат инспекциясининг ҳудудий бошқармаларига* хабар бериш;

қонунчиликда белгиланмаган бошқа мақсадларга сарфланиши ҳолатлари (*маблағларни тижорат банкларига депозитга жойлаштириш, ягона ғазна ҳисобварағига тиклаш ва бошқалар*) кузатилганда тегишли ҳисобварақлар бўйича барча операцияларни тўхтатиб туриш ҳамда юқори турувчи молия органларини хабардор қилиш чораларини кўриш вазифаси юклатилади.

с) Давлат молиявий назорат инспекциясининг ҳудудий бошқармалари:

“фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га маблағларни ўз вақтида ўтказилишини мониторинг қилиб бориш, туман (шаҳар) бюджети кўшимча маблағларини фуқаролар бюджети учун ажратилиши лозим бўлган қисмини **бошқа мақсадларга йўналтириш** ҳолатларини назорат қилиш;

жамғарма маблағларидан белгиланган тартибда сарфланишини ҳар чорак якунларига кўра тизимли равишда **мониторинг қилиб бориш**;

ҳисобот йили якуни бўйича жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тақдирларни бажарилишини **якуний назоратдан ўтказиш** ҳамда **аниқланган ҳолатлар** юзасидан умумлаштирилган маълумотларни Молия вазирлигига тақдим этиб бориш вазифаси юклатилади.

Шунингдек, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да кўзда тутилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш **туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан** юқорида қайд этилган ҳолатларни алоҳида назоратга олган ҳолда ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказишда ҳудудий ваколатли органлар томонидан турли аралашувларга йўл қўймаслик ҳамда голиб деб топилган лойиҳаларни қисқа муддатларда ҳамда сифатли тарзда амалга оширилиши бўйича тизимли чоралар кўрилиши тавсия этилади.

Вазир



Т. Ишметов